# ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

***Бугун Олмазор туманидаги 2-секторга қаровчи Иброҳим ота маҳалласи кўркам қиёфада. Кейинги 2 йилда бу ҳудудда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди.***

Маҳалла ҳар томонлама ободонлаштирилди. Бир неча болалар майдончалари қад ростлади. Ҳудудда 7 та 2 қаватдан иборат уйлар қурилди. Бу билан 102 та оила эҳтиёжи қамраб олинди. Янги йил арафасида 9/2 ҳамда 16/2 уйлар фойдаланишга тахт қилинди.

Байрамона безатилган майдончада Олмазор тумани ҳокими Б.Султонов, “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Калонов, Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси бўлими мудири Т.Муллажонов ва бошқалар давлатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам берилаётганлигини, ушбу топширилаётган янги уйлар бунинг исботи эканлигини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, Иброҳим ота маҳалласида шу чоққача 5 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилган. Янги йил байрами арафасида яна 2 та янгидан қурилган уй ўз эгаларига топширилди. Бу уйлар 12 хонадондан иборат бўлиб, 24 оилага тантанали топширилди.

Бундан ташқари 17 та ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга байрам совғалари тақдим этилди.

Олмазор тумани Халқ қабулхонаси мудири Олимжон Пахриддиновнинг айтишича, уй эгалари орасида Халқ қабулхонларига, юқори ташкилотларга мурожаат қилган фуқаролар ҳам бор. Бугун уларнинг мурожаати ўз амалий ечимини топди.

Саида Аҳмаджонова 5 нафар фарзанди билан пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида 2 сотихли ҳовлида сиқилиб яшашарди. Шу йили Президент қабулхонасига мурожаат қилгач, уни туман ҳокими билан ўтказилган очиқ мулоқотга чақиришди. Йиғилишда уй-жой масаласи кўтарилди. Ҳокимият ушбу мурожаатни ҳисобга олди. Мана орадан маълум вакт ўтиб, С.Аҳмаджонова оиласига бепул 3 хонали янги уй калитлари топширилди.

– Менга ҳам бугун давлатимиз томонидан бепул 1 хонали уй ажратилди, – дейди 1-гуруҳ ногирони Дилфуза Жалолова. – Сабаби оилада кўпчилик бўлганимиз учун анча сиқилиб қолган эдик. Олмазор туман ҳокимлигига қилган мурожаатим беиз кетмаганидан хурсандман. Бугун шодлигимнинг чеки йўқ. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига, бу эзгу ишга ҳисса қўшганларга миннатдорлигимни билдираман.

Ҳа, янги уй-жойга эга бўлганларнинг юз-кўзларида қувонч учқунлари шундоққина билиниб турар, улар чин кўнгилдан давлат раҳбарларига миннатдорлигини изҳор қиларди. Халқнинг рози бўлиб яшаши давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир.

**Ш.ЗОКИРЖОНОВ**




# 2018 ЙИЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА!

**Жавоҳир СИНДОРОВ,**
**2018 йил Туркияда ўтказилган бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби, халқаро гроссмейстер:**

– 2018 йил менинг ҳаётимда ажойиб хотиралар, юксак муваффақиятлар билан из қолдирди. Чунки айнан шу йилда мен шахмат бўйича халқаро гроссмейстер бўлдим.

Тўғри, шахмат билан профессионал даражада 2012 йилдан бери шуғулланиб, ўз ёш тоифасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони, Ўзбекистон чемпиони бўлган бўлсамда, аммо жорий йил августида халқаро турнирда қўлга киритган олтин медаль ҳамда октябрда Венгриянинг Будапешт шаҳрида уюштирилган халқаро мусобақалардаги кумуш соврин сабаб 3-гроссмейстерлик талабини бажарганим ва дунёнинг энг ёш гроссмейстери унвонини қўлга киритганим менга фахр-ифтихор туйғусини бахш этади.

Шу боис ҳам 2018 йилдан мамнун бўлган ҳолда 2019 йил барча-барча учун бахт инъом этсин, аввало, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин деб қоламан. Янги йил ҳам барча инсонларга, хусусан шахматчиларга омад келтирсин деб ният қиламан. Бундан ташқари шахмат билан янада кўпроқ шуғулланиб, аввалига 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида жаҳон чемпионлигига эришиш орзусидаман. 2004 йилда Рустам Қосимжонов Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Адамс устидан ишончли ғалабага эришган ва жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлган эди. Мен ҳам яқин йиллар ичида катталар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ғалаба қозонишни ва шахмат тожини Ўзбекистонга яна бир бор қайтаришни мақсад қилганман. Албатта, бунинг учун янада кўпроқ меҳнат қилишим, устозларим Марат Жумаев ҳамда Бобур Сатторов сабоқларига қулоқ тутишим лозим бўлади. Сўзим якунида барча юртдошларимизни Янги йил билан яна бир бор муборакбод этаман.

**Зулфия ЯКУБОВА,**
**“Йил аёли – 2018” миллий танловининг “Йилнинг энг ватанпарвар аёли” номинацияси ғолиби, Миробод тумани ИИО ФМБ Терроризим ва экстремизимга қарши курашиш бўлими Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш гуруҳининг катта тезкор вакили, майор:**

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ислоҳотлар, иқтисодиётимиз салоҳияти ва қудратининг юксалиб бораётгани, эришилган ютуқлар, жамиятимиздаги осуда ҳаёт, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат буларнинг барчаси, халқимиз фаровонлиги ва осуда ҳаёти, бахт ва иқболига хизмат қилади.

Президентимиз раҳнамолигида халқимиз меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини таъминлаш, иқтидор ва имкониятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар бисёр.

2018 йил мен учун жуда ҳам омадли келди. Буни сўз ва сонларда санаб қайд этмасамда, юрагимга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қолдиргудай таоссуротлар оғушидаман.

Шундай гўзал ва бетакрор юртда туғилиб ўсганимга ва ўзим истаган соҳамда фаолият олиб бораётганимдан мамнунман.

Қўлимни кўкисмга қўйиб, биз аёлларга улкан имкониятларни ва зарур шарт-шароитларни яратиб бераётган Президентимизга миннатдорчилик билдираман ва бундан кейин ҳам она Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бераман. Сўзим сўнгида қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан барча юртдошларимизни самимий табриклайман.

**Улуғбек ТУЙЧИЕВ,**
**Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир. Мен ана шу бойликни асраб-авайлаш, мамлакатимиз тинчлиги ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, тадбиркорлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор орқали юртимиз иқтисодиёти янада ривожланиб бормоқда. Божхона қонунбузилиши ҳолатлари, шу жумладан хуфёна иқтисодий фаолиятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишларида фидойи божхона органлари ходимларининг ўрни ва роли катта. Ана шундай ходимлар сафида бўлганим, тақдирланганим янада касбга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавкулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим. Ватанимизнинг юксак медалини кўксимга тақиш менга янада ғурур-ифтихор бағишлайди. Бундай ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш учун бор кучимни сарфлайман.

**Муслима АМАНҚУЛОВА,**
**“Йилнинг энг яхши ёш журналисти” номинацияси ғолибаси, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 2-босқич талабаси:**

— Инсон умри тақдир битиклари билан саҳифаланган китобга ўхшайди. Уни қанча варақлаганингиз сайин олам моҳиятини тушуниб борар экансиз. Буни ҳаёт ҳақидаги тадқиқот десак мубо лаға бўлмайди. Ана шу ўрганишларимиз натижасида йиллар ўз сарҳисобини ҳам қилар экан. Мана умримнинг 1 йили ўтиб борар экан, ортга бир назар солсам, ҳаётим ҳақидаги илмий ишимда кўплаб ютуқлар жамланибди. Инсон ўзини англаши учун атрофидаги атмосферадан бироз чекиниши керак экан. Мен ҳам 2018 йил апрель ойида Қозоғистонда бўлиб ўтган Халқаро илмий-амалий конференцияда адабиёт йўналишида қатнашиб, 10 га яқин давлат ичида 2-ўринни эгалладим. Китобхонлик маданияти ҳақидаги нутқим қардош халқлар адабиётига юртимизда бўлган эътибор меҳмонларда катта қизиқиш уйғота олди. Натижа таъкидлаганимдек ёмон бўлмади.

Ҳаёт илми бу билан чекланиб қолмас экан. Кўплаб конференцияларда қатнашиб, уларда ҳам фахрли ўринлар билан тақдирландим. Ютуқлардан фахрландим, мағлубиятдан хулоса чиқардим. Энг эсда қоларли ғалабаларимдан бири ёшларга оид давлат сиёсатини “Ўзбекистон 24” телеканалида кенг тарғиб қилганим учун тақдирланганим бўлса, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи мукофоти”га лойиқ кўрилганим мени янада янги марралар сари бошлади. Энди Янги йил учун ҳам режаларимнинг рўйхатини тузишда давом этаяпман. 2019 йил барчага омад, бахт ва барча эзгу мақсадларни ижобатини ҳадя этсин.

## Назм гулшани

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон Халқ шоири**

### ЯНГИ ЙИЛ

*Қор заррасин тутиб қололмас нигоҳ,*
*Гоҳ зарра нигоҳдан бағрим тилинди.*
*Қор ёғсин — ёпилсин изларинг, гуноҳ.*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

*Қорми — кул остида милтирайди чўғ,*
*Кетганлар жон узиб кетмаганлар, йўқ!*
*Сенга етганлар бор, етмаганлар йўқ,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

*Деҳқоннинг уйини тўлдир буғдойга,*
*Сабр бер мискинга, инсоф бер бойга.*
*Тинчлик, кўнгли тўқлик шоху гадойга,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

*Қирқ йилда бир йигит келар оламга,*
*Йигит юрагимни кўмма аламга.*
*Яна қирқ йил хизмат қилай онамга*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

*Арчажон, юмшатгил игналарингни,*
*Кел, ташла, аразу гиналарингни.*
*Кўкка чиқай босиб зиналарингни,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

*Кўк тоқига ҳилолчироқ илинди,*
*Ёруғ ғуссаларга ошно дил энди.*
*Киприклар ҳам оппоқ атиргул энди,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

### АЁЗ ДЕРАЗАМГА ЁЗАДИ ХАТЛАР

*Тун билан безаниб чиқади борлиқ,*
*Осмон табиатга тутади ойна.*
*Юракдаги соғинч, дилдаги оғриқ,*
*Шарпадай йўқолур, билмадим қайга?*

*Тун билан ухламай чиқар дарахтлар,*
*Покликни дунёга кўз-кўзлаш учун.*
*Аёз деразамга ёзади хатлар,*
*Ечилар юракни хун этган тугун.*

*Шу онда бир гўзал шеър ёзгим келар,*
*Қуёшдайин мангу, қордай покиза.*
*Мудраётган дунё уйғониб кетса,*
*Менинг чорловимдан, менинг оҳимдан.*

*Некбин ўйлар ҳоким бугун руҳимда,*
*Бутун бокиралик ҳукмрон чоғлар.*
*Ёмон ўйлар ўйлаш гуноҳдай бунда,*
*Гўзал сукунатга чўмилган боғлар.*

**Абдураҳмон ЖЎРА**

# “ВАТАНПАРВАРЛИК” МАРАФОНИДА ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Ватанпарварлик ойлиги доирасида Тошкент кичик ҳалқа йўли бўйлаб “Ватанпарварлик” марафони бўлиб ўтди.***

12-15 километр масофани ташкил этган марафон “Crafers” қандолат фабрикасидан бошланиб, Тошкент Жанубий вокзали олдида якунланди.

Мазкур марафон Президентимизнинг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси ва Ватанпарварлик ойлиги доирасида Тошкент ҳарбий округи томонидан ташкил этилди.

Унда мамлакат Қуролли Кучларига тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, ўқувчи-ёшлар ва фуқаролар иштирок этди. Марафонда жами 400 нафарга яқин иштирокчи қатнашди. Соғломлаштириш акциясида югурганлар ичида энг ёш иштирокчи 15 ёшли Алихон Аҳмадов, энг каттаси 72 ёшли Марат Авазов бўлди.

Таъкидлаш керакки, мазкур акция ҳарбий хизматчилар томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиб қилиниб, ёшларга ўрнак сифатида намойиш этилди.

Марафон шоҳсупасининг барча поғонасидан Тошкент ҳарбий округи вакиллари – Владислав Мамедов, Андрей Куликов ва Бунёд Муҳитдинов жой олди.

Ғолиб ва совриндорлар Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва “Crafers” қандолат фабрикаси томонидан медаль, диплом ва телевизорлар билан тақдирланди.

Тадбир якунида марафон акцияси ватанпарварлик фестивалига уланиб кетди. Унда ҳарбий хизматчилар ёшларга саф ва қўл жанги элементларини намойиш этди. Ҳарбий санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

**Азизбек ИКРОМОВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши**
**Матбуот котиби**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАХРИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИГА**

“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4906-рақамли фармонининг 10-бандида “Вазирлар Маҳкамаси компаниялари, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига пенсияга чиқадиган ходимларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни, уларга зарур моддий ва ижтимоий кўмак бериш, меҳнат жамоасининг жамият ҳаётида фаол қатнашишини, шунингдек ҳар йили пенсионерлардан, айниқса, якка-ёлғизлардан ҳабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга эсдалик совғалар беришни, уларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишни, санатория-курортда соғломлаштириш ва даволашни ташкил этишни, шунингдек муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштиришни ва бошқа ижтимоий аҳамиятли тадбирларни амалга оширишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулят юклансин” деб белгиланган.

Шу муносабат билан “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига 2018 йил давомида фармонининг ижроси бўйича бажарилган ишлар ҳақида 2019 йилнинг 20 январигача маълумот беришингизни сўраймиз.

“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг реквизитлари:

O“zbekiston Respublikasi, 100047 Toshkent shahri, Mirobod tumani, Buxoro ko`chasi, 16-uy telefon (71)233-18-28, 233-03-18, 233-03-28, 233-03-16 факс 233-03-19, e-mail tashkent_nuroniy@umail.uz, shahar_nuroniy@exat.uz

**“Нуроний” жамғармаси**
**Тошкент шаҳар Кенгаши**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 14.03.2014 йилда Усмонбеков Алишер Муминовичга берилган адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи Т N № 001754 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“BTG CARGO” МЧЖ (ИНН 304800195) устав фонди 1 172 424 000 сўмдан 170 000 000 сўмга камайтирилаётганлигини ҳамда “BTG CARGO” МЧЖ ташкилий шакли “BTG CARGO” ХКга ўзгартирилаётганлигини маълум қилади.

Эътирозлар қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. Тел: (+99899) 899-30-48.

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 5-сон академик лицейи томонидан Суннатуллаев Шохруҳжон Ботиржоновичга 2018 йилда берилган LNº 347871 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


РЕКЛАМА ЎРНИДА

TURKISTON BANK

"TURKISTON BANK" ЖАМОАСИ
барча юртдошларимиз, тадбиркорлар ҳамда ўз мижозларини Янги – 2019 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йил ҳаммамиз учун қут-баракали, омадли келсин. Хонадонларингиздан хотиржамлик, фаровонлик аримасин. Ватанимиз гуллаб-яшнасин.




ХАТ "TURKISTON" БАНКДАН ЯНГИ ЙИЛГА ОМОНАТЧИЛАР УЧУН АЖОЙИБ СОВҒА!

Омонатлар ХАТ "Turkiston" банкининг барча филиаллари томонидан қабул қилинади.
Батафсил маълумот билан банк сайти www.turkistonbank.uz да ёки (71) 200-00-08 телефон рақами тунү кун ишлайдиган алоқа марказидан билишингиз мумкин.

"TURKISTON BANK" – 20 йил мижозлар хизматида







VATANPARVAR

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲАР "ВАТАНПАРВАР" ТАШКИЛОТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни Янги – 2019 йил билан самимий табриклайди! Қутлуғ йилда дилингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин, хонадонингиздан тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат аримасин. Жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги абадий бўлиб, доимо юксалиш ва тараққиёт сари одимлаб борсин. Байрам барчангизга кўтаринки кайфият ва чексиз хурсандчиликлар улашсин. Янги – 2019 йилда 18 ёшга кираётган барча йигит ва қизларга ҳамда кўп йиллар давомида ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлишни истаган ҳамшаҳарларимизга ўз мақсад ва орзуларини рўёбга чиқаришларини тилаган ҳолда "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги қуйидаги ташкилотлардаги ҳайдовчилик курсларида ўқишга таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар:

| Т/р | Ташкилот номи | Телефон |
|---|---|---|
| 1. | Бектемир ўқув спорт-техника клуби | (71) 295-12-62 |
| 2. | Миробод ўқув спорт-техника клуби | (71) 291-14-02 |
| 3. | М.Улугбек ўқув спорт-техника клуби | (71) 261-26-33 |
| 4. | Олмазор ўқув спорт-техника клуби | (71) 229-29-47 |
| 5. | Сергели ўқув спорт-техника клуби | (78) 150-22-04 |
| 6. | Учтепа ўқув спорт-техника клуби | (71) 275-65-13 |
| 7. | Чилонзор ўқув спорт-техника клуби | (71) 277-06-19 |
| 8. | Шайхонтоҳур ўқув спорт-техника клуби | (71) 249-00-27 |
| 9. | Юнусобод ўқув спорт-техника клуби | (95) 177-84-02 |
| 10. | Яккасарой ўқув спорт-техника клуби | (71) 250-56-35 |
| 11. | Яшнобод ўқув спорт-техника клуби | (71) 291-29-62 |
| 12. | Тошкент бирлашган техника мактаби | (99) 301-00-20 |




Хизматлар лицензияланган

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-146
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2226 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 20:30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ